



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЎЗИНГИЗНИ ҚУТҚАРИНГ

Бонг

Менинг назаримда бугун китоб инсоният ҳаётида қандай аҳамиятга эга, деган савол жуда қулгили туюладигандай. Чунки, одамзот китобдан узоқлашиб бораёпти. Ҳаммининг қўлида телефон. Ҳамма телефоннинг ичига қайтмайдиган бўлиб кириб кетаяпти: фақатгина бизнинг ўзбеклар эмас, барча шаҳарларда, барча ўлкаларда турфа одамларнинг аҳволи шу — телефонга термулиб қолган: автобусда, метрода, хиёбонда, гўрда, ерда ва ҳоказо...

Ҳамма жойда хўроз бир хилда кичкираяпти. Олдинлари китобга термулишган, китоб ўқишган, ҳаётини нурлантиришган, бугун эса умрини телефонга едиришаяпти. Интернет яхши албатта, узоғимизни яқин, фурсатимизни чақин қилди, лекин одамзот тайёр эмас экан бунга... Ўзимизни ўзимиздан узоқлаштирди, қалбимиз

хиссиётлари музлаб бормокдаки, бунга бандлик оқибатида, яхши-ёмон қоришиқ абгор дунёнинг аҳволи тасаввуримиздан эзгуликка эш тушунчаларни сиқиб чиқармокда. Кўчада кетаётган кекса муаллим юраги хуруж бериб, йўл четида йиқилиб қолган кезде мактабдан қайтаётган мишиқилар қўл телефонга тасвирга олишиб, синфдошлар “телеграм тўдаси”да тарқатиб юборишди... Наҳотки, хузурланадиган, томоша қилиб завқланадиган ҳол шу? Наҳотки, раҳмсиз, шафқатсиз, чаёнсифат, илонсифат гандаларни тарбия қилаётган бўлсак? Икки хотин жанжаллашаяпти, бир-бирини савалаяпти, Худо урган барзанги бу манзарани завқланиб телефонга олаяпти ва дунёга кўз-кўз қилаяпти. Замоннинг ориятига ўт тушдими, эркакнинг гурури ё номусига ит тегдими, билмайман, билмайман, нима бўлаяпти?

(Давоми 6-саҳифада)

Ижтимоий ҳимоя

ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҲУҚАРОЛАРГА ТАЪСИРИ

Кейинги 6-7 йилда аҳолининг ижтимоий ҳимояси мамлакат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Аҳолининг заиф қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ҳамда айрим сабабларга кўра вақтинча ишсиз бўлган инсонларни касбга тайёрлаш борасида мамлакатимиз то-

монидан ижтимоий ёрдам ва хизматлар сифатини яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТнинг Бош Ассамблеяси 78-сессиясида нутқ сўзлаб, унда минтақавий ва глобал

кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан ўз карашларини баён қилди. Хусусан, “Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби томонидан илгари сурилган «Иш ўринларини яратиш ва ижтимоий ҳимоя глобал акселератори» борасидаги ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз”, – деди давлат раҳбари.

(Давоми 4-саҳифада)

Фаолият

Янги Ренессанс пойдеворининг беқиёс тимсоли

Ўзбекистоннинг ўн уч асрдан кўпроқ тарихни қамраб олган маданияти, халқимиз турмуш тарзи, менталитети бевосита муқаддас Ислом қадриятлари билан чамбарчас боғлиқ. Милодий VIII асрда Ватанамиз ҳудудларига ислом таълимотининг кириб келиши Шарқда янги уйғониш даври учун мустаҳкам замин

ҳозирлагани ҳеч кимга сир эмас. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда не-не алломалар етишиб чиқди, қанчадан-қанча нодир асарлар яратилди, меъморчилик, тасвирий ва амалий санъат асарлари, адабиёт ва санъат дурдоналари дунёга келди.

(Давоми 3-саҳифада)



УЛУҒВОРЛИК ТИМСОЛИ

Азалдан давлат рамзлари ҳар бир халқнинг озодлиги, тинчлиги ва барқарорлиги ва мустақиллигининг рамзий тимсоли сифатида алоҳида эъзозланиб келинади. Мозийга назар ташлайдиган бўлсак, юртимиз тарихида давлат рамзлари Ватан тимсоли сифатида герб ҳамиша азиз ва муқаддас сифатида қадрланган.

Ғурур

Тарихий маълумотларга кўра, герб антик даврда пайдо бўлган. Қадимги Шумер давлатининг гербида шер бошли бургут тасвирланган бўлса, Рим давлатининг гербида бургут тимсоли акс этган. Герб сўзи полякча - «herb», немисча «Erbe» - «мерос» сўзидан олинган бўлиб, у бирон бир мамлакат ёки ҳудуднинг сиёсий ва тарихий характердаги ғоялари мажмуасини, ўзига хос табиий ва хўжалик хусусиятлари ҳамда табақавий тафовутларини шу билан бирга, шахс, уруғ ва шажараларини ифодаловчи алоҳида рамзий белги сифатида намоён бўлган. Шу ўринда, герблар ранги, шакллари, расмлари билан ўзаро фарқланиб, махсус қоидаларга асосан ишланиб, алоҳида атамалар билан тавсифланади. Гербда давлатнинг миллий сиёсий, иқтисодий хусусиятлари, ижтимоий ва давлат тузуми, географик ва бошқа белгилари ўз ифодасини топади. Давлат рамзи саналмиш герб ҳар бир мамлакатнинг мустақиллигини ифодаловчи муқаддас белги сифатида у халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажакини ўзида мужассам этувчи ватаннинг ёрқин тимсоли ҳисобланади. Зеро, герб бир давлатни бошқа давлатлардан ажратиб турадиган нишони, рамзи ва тимсоли сифатида ўша давлатнинг тарихий ўтмишини ифодаловчи рамзий аҳамият касб этади. Герблар дастлаб қабилаларни бир-биридан фарқлаб кўрсатувчи белги сифатида қўлланилган бўлса, кейинчалик улар ҳукмдорлар, лашкарбошиларнинг ҳукмронлигини билдирадиган рамзга айланган.

(Давоми 5-саҳифада)

ЯНГИЧА ЁНДОШУВ КЕРАК

Олий таълим тизимининг шаффофлиги, мобил тезлиги ошиб бормокда. Уларнинг ечимига қаратилган ислохотлар ҳаётга татбиқ этилмокда. Яқинда Президентимиз раислигида муҳандислик кадрларини тайёрлаш тизимидаги устувор вазифалар юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам олий таълим тизимида муаммолар мавжудлиги, уларни бартараф этиш ислохотлар самарадорлиги гарови эканлиги қайд этилди.

Ана шундай муаммолардан бири олий таълимда тайёрланилаётган мутахассисларнинг бугунги замон талабларига мос эмаслиги. Масалан, йиғилишда қайд этилганидек, Давлат техника университетидаги 76 та бакалавр йўналишидан 45 таси, 73 та магистратура мутахассислигидан 51 таси бугунги кунда етакчи хорижий техника олийгоҳларида ўқитилмайди. Оқибатда муҳандисларнинг 60 фоизи ўзи ўқиган йўналишида ишламаяпти. Ёки Президентимиз томонидан қайд этилганидек, жорий йилда тўқимачиликда 4 мингта муҳандисга талаб бор. Яъни, мавжуд талаб 10 фоиз атрофида қондирилган. Мутахассис тайёрлашда нафақат бугунги кун, балки кейинги 4-5 йилдаги талабдан келиб чиқиш зарур. Бундай муаммо бошқа йўналишдаги мутахассислар учун ҳам бегона эмас.

Олий таълим тизимида давом этаётган таълим жараёни ва унинг методологик асослари билан боғлиқ узлуксиз экспериментлар ҳам таълим сифатига салбий таъсир қилмокда. Ўтган йиллар мобайнида ўқув режалар унга асосан қайси фанларни ўқитиш масаласи доимий ўзгаришда. Бу таълим сифатига уни методологик таъминотида салбий таъсир қилади. Муаммони ечими сифатида қайд этиш керакки, масалага ҳар бир таълим муассасаси алоҳида ҳолда эмас, яхлит ёндашуви муҳим. Шу тариқа муаммони узил-кесил ҳал қилиш мақсадга мувофиқ. Вазирлик ҳузурида махсус ҳайъат ташкил этиш, йўналишлар кесимида қайси фанларни ёки мавзуларни ўқитишни чуқур

таҳлил қилиб бир ечимга келиш керак. Ана шундан кейин, тавсиявий характерга эга бўлган ўқув режалари ва фан дастурларини ишлаб чиқиш муҳим.

Яна бир жиҳат. Бу масалани зиёлилар муҳокамасига қўйиб, тегишли таклифларни олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шундагина биз бу масалани батамом бартараф эта оламиз. Бугун кўпчилик томонидан илгари сурилаётган дунёнинг кучли 300 талик университетларининг ўқув режалари, фан дастурлари намуна сифатида олиш гоёсини қўллаб-қувватлаш мумкин. Аммо бир хил мутахассис тайёрлаётган икки олий ўқув юрти икки хил таълим муассасини режалари асосида таълим жараёнини ташкил этиши мақсадга мувофиқ эмас. Маълум вақтлардан кейин олий таълим муассасаларида соғлом рақобат ривожлангач бу масалада тўлиқ эркинлик бериш самаралироқ бўлади.

Навбатдаги муаммо, хусусий ва давлат таълим муассасаларига нисбатан ягона стандартнинг амал қилмаслиги ҳисобланади. Масалан, давлат таълим муассасасида фақат тил сертификати асосида магистратурага қабул ташкил этилган бўлса, бундай талаб хусусий олий таълим муассасасида мавжуд эмас. Ёки хориждан талабаларнинг ўқишларини кўчиришда ҳам хусусий таълим муассасаларида чеклов йўқ. Давлат таълим муассасаларида талаба тестдан белгиланган бални тўпласа, ўқишини кўчириши мумкин. Аслида хусусий таълимнинг жорий қилинишидан мақсад соҳада эркин рақобат муҳитини шакллантириш орқали ти-



зимни ривожлантириш ҳисобланади.

Давлат ОТМлари учун магистратура қабулида мажбурий тил сертификати таълим сифатига ижобий таъсир қилади. Кучлиларни танлаб олишнинг самарали механизми ҳисобланади. Ёки кучли 1000 таликка кирмаган олий таълим муассасасидан ўқишини кўчирмоқчи бўлган ёшлар учун тест орқали ўтиш балини олиш талаби ҳам таълим сифатининг тушиб кетмаслигини олдини олувчи самарали механизмдир. Бундай механизмларни жорий қилишни олқишлаш керак. Аммо ана шу талаб хусусий таълим муассасаси учун ҳам амал қилиши мақсадга мувофиқ.

Қайд этиш керакки, таълимда ўзига хос миллий ўқитиш тизими, асрлар мобайнида шаклланиб келган темир интизом ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ваҳоланки Шарқда таълим тизимида юқори натижаларни қайд этиб келаётган Япония ва Хитой таълим тизимида ана шу анъаналар мавжудлигини кузатиш мумкин.

Яна бир масала, бу олий таълимнинг ажралмас қисми бўлган мустақил таълим тизими ҳисобланади. Талаба асосий билимларни мустақил ўзлаштиради. Мустақил таълимни самарали амалга оширишнинг механизмлари ва уни на-

зорат қилиш воситалари борасида ҳам муаммолар мавжуд. Маълумотларга қараганда, дунёнинг ривожланган университетларида талаба суткасига 5,5 соатдан 6,5 соатгача дарс қилади, аниқроғи мустақил таълим билан шуғулланади. Бизда ҳар куни камида 4-5 соат мустақил таълим билан шуғулланиш кўникмасини шакллантириш керак.

Бундан ташқари назарияни амалиёт билан уйғун ҳолда олиб бориш муҳим натижа беради. Бу тарих синовларидан ўтган ҳақиқат. Президентимизнинг яқинда Бухорога ташрифида ҳам бу борада дуал таълимга эътибор бериб, самарали натижаларга эришиш лозимлиги қайд этилди. Унда талаба нафақат корхоналарга бориб иш ўрганиши, шу билан бирга моддий манфаатдор бўлиши масаласи ҳам кун тартибига қўйилди. Бизнинг институтда ҳам юқори курс талабалари таълим муассасаларида амалиёт ўтаб педагогик сирларини ўзлаштирмоқда. Институт маъмурияти томонидан таълимни бундай турини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилган.

Хуллас таълим тизимида, жумладан, олий таълимда амалга оширилган ислохотлар натижасида юз берган ўзгаришлар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан катта тарихий аҳамиятга эга. Шу билан бирга биз том маънода инсон капиталини ривожлантиришимиз учун юқоридаги муаммоларни бартараф этишимиз муҳим.

Очил СИРОЖОВ,
Бухоро давлат педагогика
институтининг профессори



Янги Ренессанс пойдеворининг беқиёс тимсоли

(Боши 1-саҳифада)

Уларнинг ҳеч бирини ислом маданияти, динимизнинг инсонпарварлик ғояларидан айро ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди.

Бундан роппа-роса етти йил муқаддам – 2017 йилнинг 23 июнь куни Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Таъкидлаш жоизки, бу қарор Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлидаги дастлабки қадамлардан бири бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси билан бир қаторда халқаро Ислом академияси, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Абу Муъин Насафий номи билан аталадиган илмий тадқиқот марказлари, яна бир қатор диний-маърифий йўналишдаги таълим масканларининг баопо этилиши ҳам бу соҳадаги ислохотлар самараси эмасми?

Ислом ўз моҳиятига кўра, илм-маърифат динидир. Зотан, Қуръони каримнинг нозил қилинган илк ояти ҳам инсонни ўқишга, билим олишга ундайди. Ҳадиси шарифда ҳам бежиз “бешиқдан қабр-гача илм изла” дея бежиз марҳамат қилинмаган. Ўтган асрнинг бошларида буюк маърифатпарвар жадидларимиз миллатни фақат илму ирфон ила ёруғликка олиб чиқишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Буюк маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний “тарбия биз учун ё ҳаёт, мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир” деганида минг қарра ҳақ эди.

Президентимиз ҳам ана шу эзгу давват мазмун-моҳиятини чуқур англаб етган ҳолда, “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади” деган улуғвор ғояни илгари сурди. Таълим-тарбия тизимида кўплаб ислохотлар амалга оширилди. Мактаб таълими тизими тубдан ислоҳ қилинди. Ўндан ортиқ нуфузли хорижий ўқув юртларининг филиаллари ташкил қилинди. Юртимизда олий маълумот олиш учун имкониятлар янада кенгайди. 2000 йилларда юртимизда 350 минг атрофида талаба таҳсил олар, олий ўқув юртлари сони 70 тага етмасди. Бугун Ўзбекистонда 213 олий ўқув юртида бир ярим миллион нафардан ортиқ ўғил-қизларимиз таҳсил олаётир.

Сир эмас, маданий меросимизни

ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этишга ҳам юртимизда ҳозирга қадар бунчалик юксак эътибор қаратилмаган. Бу борадаги ишларга нафақат давлатнинг тегишли вазирлик ва идоралари, балки нодавлат, нотажорат ташкилотлари ҳам ўз ҳиссасини қўшаётир.

Улардан бири бўлган дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатидан 350 дан зиёд малакали олимлар, шарқшунослар, этнограф ва тарихчиларни ўзида бирлаштирган Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти (WOSCU)ни алоҳида қайд этиш жоиз.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази билан деярли бир пайтда иш бошлаган мазкур жамият томонидан айна пайтга қадар Ўзбекистон маданий меросини тадқиқ этиш билан боғлиқ етти та халқаро конгресс, юздан ортиқ конференция, тақдирот ва давра сухбатлари ўтказилди. “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида”, “Ўзбекистон обидаларидаги битиклар” туркумидан юз жилдга яқин китоб-альбомлар чоп этилди. Хорижда сақланаётган ўндан ортиқ сара қўлёзмаларнинг факсимиль нусхалари яратилди. Уларнинг деярли барчаси бевосита Ўзбекистондаги Мусулмон ренессансининг нодир дурдоналари ҳисобланади. Бу маданий мерос ислом динининг инсонпарвар хусусиятларини янада яққол намоён этади.

Президентимиз 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа сифатида эътироф этган эди. “Биз муқаддас динимизни азалий кадрларимиз ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга давват этади” деган эди Президентимиз ўз маърузасида. Бугун бу фикр қанчалик ҳаққоний экани жаҳон микросида ўз исботини топмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўз миллий тарихи ва маданиятига, интеллектуал ва маънавий салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш, уни асраб-авайлаш ва бойитиш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш жаҳон-

даги ҳар бир давлат ва жамиятнинг моддий ва маънавий тараққиётида ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

Дунё тарихида илк Шарқ Уйғониш даври - Мусулмон Ренессанси давомида бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти, муқаддас ислом дини ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган. Хусусан, IX-XI асрларда Хоразмда ташкил этилган Маъмур академияси, XV асрда Самарқандда шаклланган Мирзо Улуғбек илмий мактаби, Хуросонда Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро сингари буюк аждодларимиз шакллантирган маданий муҳитнинг буюк вакиллари ўзларининг бой маънавий мероси билан дунёга донг таратганлар.

Шу пайтга қадар Президентимиз бир неча маротаба Ҳазрати Имом мажмуасида бўлиб, Ислом цивилизацияси марказининг лойиҳалаш ва қурилиш ишлари билан мунтазам хабардор бўлиб турди. 2018 йил 15 июнь куни давлатимиз раҳбари шахсан Ислом цивилизацияси маркази пойдеворида рамзий тамал тоши қўяркан, «бу марказни қуришдан мақсад ислом маърифатини ўрганиш, боболаримизнинг буюк меросини авваламбор ҳалқимизга, дунё ҳамжамиятига етказишдир. Худо хоҳласа, ҳамма саъй-ҳаракатларимиз ёшлар таълим-тарбиясига, илм-фанга, маданиятга, тинчлик-оқбойишталikka замин яратади», деган эди.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида улуғ аллома ва мутафаккирларимизнинг кўплаб бебаҳо асарларини, ноёб ёзма манбаларни сақлаш, ўрганиш ва келажак авлодга безавол етказиш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ноёб ёзма ва тошбосма меросни сақлаш ва тадқиқ қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда бу жараёнга рақамли технологияларни кенг жорий этиш мақсадида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Қадимий ёзма манбалар давлат реестрини шакллантириш тўғрисидаги тақлифи ҳам ҳукуматимиз томонидан маъқулланди.

Ўтган вақт мобайнида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази томонидан бир қатор

ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, Ислом цивилизацияси марказида 1 нафар академик, 5 нафар фан доктори, 14 нафар фалсафа доктори, 19 нафар магистр-тадқиқотчи ва 42 нафар мутахассислар фаолият кўрсатмоқда.

Марказ томонидан бугунгача илмий-тадқиқот натижалари асосида юздан зиёд илмий-оммабоп китоб, ўқув қўлланма, рисола, илмий журнал ва тўпламлар, жумладан, грант лойиҳалари доирасида “Учинчи Ренессанс – Янги Ўзбекистон” ва “Ўзбекистон – жаҳон цивилизацияси кесимида”, “Ўзбекистон санъати тарихи”, “Хонлиқлар даври ўзбек миллий либоси тарихи”, “Ўзбекистон ислом санъати: фалсафа ва шеърят” китоб-альбомлари, шунингдек, Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари 4-жилди нашр этилди.

Буюк аждодларимиз мероси, янги юксалиш даври ютуқларини тарғиб қилиш мақсадида 100 та медиа маҳсулот тайёрланди. Шунингдек, юздан ортиқ маънавий-маърифий ва тарғибот тадбирлари, матбуот анжуманлари, брифинглар ташкил этилмоқда.

Айна пайтга қадар Марказ хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан 40 та ҳамкорлик меморандуми имзолаган.

Яқинда Марказ томонидан WOSCU билан ҳамкорликда “Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази: кеча, бугун, эртага” мавзусидаги уч кунлик семинар-кенгаш ўтказилди. Унда Марказ ходимлари томонидан шу пайтга қадар бажарилган ишлар, келгусидаги режалар муҳокама қилинди. Мавжуд муаммолар ўрганилиб, уларни ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбари билан ўтказилган учрашув чоғида ҳам буюк мутафаккирларнинг асарларини аҳоли, айниқса, ёшларимиз орасида кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Айна пайтда Марказ зиммасидаги бу улкан вазифаларни адо этиш учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилган. Зотан, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик ғоялари, буюк аждодларимиз яратиб қолдирган мбой маънавий мероснинг мазмун моҳиятини янада теранроқ ўрганиш ва тарғиб этиш барчамиздан катта масъулият ва фидойиликни талаб этади.

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ,
Ўзбекистондаги
ислом цивилизацияси маркази
директори

ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ФУҚАРОЛАРГА ТАЪСИРИ

(Боши 1-саҳифада)

Шунингдек, Президентимиз ўз нуткида Ўзбекистоннинг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ютуқлари ҳақида тўхталар экан, халқнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган сиёсат туфайли мамлакатда 2017 йилдан буён камбағаллик даражаси икки баробар камайгани, 2030 йилгача эса 7 фоизга тушириш режалаштирилганини қайд этди.

Мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ислохотларга тўхталадиган бўлсак, энг аввало Ўзбекистоннинг янги тахирдаги Конституциясининг 1-моддасида Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белгиланганлигини эътироф этишимиз лозим. Унда мамлакатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятларига тааллуқли нормалар 3 баробар кўпайди. Хусусан, ёлғиз кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлиши Конституцияда белгилаб қўйилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир қабул қилинган қонунлар 1992–2016 йилларда 24 та бўлса, 2017–2024 йилларда ушбу кўрсаткич 44 тага етди. Янги қабул қилинган қонунлар ижтимоий ҳимоянинг турли жаҳаларига тааллуқлидир.

Шунингдек, 2022 йил 25 июлда ушбу соҳага оид 3 та муҳим ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси; Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясининг мақсадли кўрсаткичлари; Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини 2022–2023 йилларда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди.

2020 йилнинг 1 декабридан “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” йирик ахборот тизими йўлга қўйилди. Уни амалга оширишдан асосий мақсад бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш, 14 ёшгача болалари бўлган ва кам таъминланган оилаларига моддий ёрдам тайинлаш ва уларни тўлашнинг соддалаштирилган механизмни татбиқ этишга қаратилди.

2021 йилда Ўзбекистон БМТнинг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги” конвенцияга қўшилди. Мамлакатда бундай шахсларни ишга олган корхона ва ташкилотлар учун қатор имтиёзлар яратилди.

2022 йилдан бошлаб камбағалликни қисқартиришнинг ўзгача тизими жорий этилди. Бунда маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини юқори профессионал даражадаги касб-хунарга ўқитиш ва бандлигига кўмаклашиш, шунингдек, жойларда камбағалликни қисқартириш масалалари бўй-

ича ҳоким ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилди.

2023 йил 1 июнда эса “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди.

Ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасида ташкил этиш, ижтимоий хизмат ва ёрдамларни комплекс ёндашув асосида кўрсатиш, аҳолининг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишини олдини олиш, шунингдек, ижтимоий ҳимоянинг манзиллилиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПҚ-319-сонли қарори билан 28 татуман (шаҳар)ларда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлар гуруҳлари кўрсатилган ижтимоий хизматлар ва ёрдамларнинг янги тизими йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, аҳолига кўрсатиладиган барча турдаги ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар, шунингдек, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун нафақа ва моддий ёрдамларга доир аризалар “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими орқали қабул қилиниши белгиланди.

Соҳадаги мавжуд муаммоларни адолатли ҳал этишнинг янги ва ўзига хос тизими яратилиб, “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларнинг “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш усуллари жорий этилгани бугун ижтимоий масалаларни самарали ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мамлакатимизда ўртача пенсия миқдори 2017 йилдаги 556,8 минг сўмдан 2023 йилохирига келиб 1214,0 минг сўмни, нафақа олувчилар 3488,9 минг нафардан 4827,3 мингга етди.

2023 йилда оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган 88 718 нафар ишсиз хотин-қизлар давлат ҳисобидан меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарга ўқитилди.

Шу билан бирга, ҳар бир камбағал оила учун ишлаб чиқилган индивидуал дастур асосида камбағалликдан чиқариш тизимини жорий этиш учун “Онлайн маҳалла” электрон платформасида 1,2 млн камбағал оилаларни рўйхати шакллантирилди.

Шуни эътиборга олиш керакки, ижтимоий ҳимоя тизими билан 250 та хизмат қамраб олинган бўлса ҳам, маҳалладаги аҳоли уларнинг ярмидан ҳам хабардор эмас. Шунинг учун 1 июндан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини аниқлаш тартиби ва улар

билан ишлаш тизими ўзгаради. Бунда инсонларнинг эҳтиёжманд тоифасини аниқлаш бўйича мезонлар ишлаб чиқилади ҳамда уларнинг муҳтож бўлган ёрдам турлари аниқланади. Ёрдамга муҳтожларнинг ҳар бири бўйича индивидуал ижтимоий хизматлар дастури амалга оширилади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ислохотлар ҳам қўзланган. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизимни яратиш ҳамда улар учун қулай ва мақбул муҳитни яратиш бунинг учун уларни муносиб иш билан таъминлаш орқали улар бандлигини 2 баробарга ошириш, фуқароларни давлат ҳисобидан касб-хунарга ўқитиш, уларнинг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш бўйича касбий кўникма ва малакаларини ривожлантириш каби қатор мақсад ва вазифалар белгиланган.

Мамлакатимизда кейинги йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига қулайликлар яратиш мақсадида бино ва иншоотларни қуриш лойиҳалари ногиронлиги бўлганлар учун қулай муҳит яратилганлиги бўйича ҳам мажбурий экспертизадан ўтказилади. Жамоат транспорти, бекатлар ва чорраҳаларда улар учун тўсиксиз муҳит яратиш чоралари кўрилади. Ходимларининг 50 фоизда ногиронлик бўлган тадбиркорларга давлат буюртмачилари билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш имконияти берилди. Бундай шахсларни касбга тайёрлайдиган 4 та ихтисослашган мактаб саноат тармоқларига бириктирилади.

Шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида нурунийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мамлакатда камбағаллик даражасини 2026 йилга қадар 2022 йилга нисбатан 2 баробарга, 2030 йилга қадар эса кескин қисқартириш, аҳолини даромадли меҳнат билан банд қилиш, ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш вазифалари ҳам назарда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий ҳимоя тизими жамиятда ижтимоий адолат ва барқарорликни таъминлашда асосий ўрин тутди. Унинг асосий мақсади жамиятнинг барча аъзолари учун, уларнинг ижтимоий мавқеи, ёши ва ҳаётий ҳолатидан қатъий назар, ҳимояланган муҳитни яратишдир. Ижтимоий ҳимоя тизими муҳтожларга асосий ижтимоий хизматлар ва молиявий ёрдам кўрсатиш орқали камбағаллик, ижтимоий тенгсизлик ва иқтисодий бекарорликни камайтиришга ёрдам беради.

Инобат ҲАКИМОВА,
“Таракқиёт стратегияси” маркази
бош мутахассиси

«ТАЪЛИМ ИСИТМАСИ»

Жанубий Кореяда яшайдиган дўстимиз айтганки, корейлик оналар фарзандлари нечта тўгаракка қатнашлари билан мақтаниб, ўзаро «пойга ўйнашади». Корея Республикасида мактабдан ташқари таълим соҳаси \$20 млрд.лик йирик саноат.

Яъни, ўқувчи бошига ота-оналар ҳар йили ўртача \$15 минг доллар сарф қилишади. Мактаб таълими сифатини баҳолайдиган PISA рейтингда Корея Республикаси жаҳонда 4-ўринда туради (2024 йил). Яъни, бу мамлакатдаги мактаб таълими дунёда энг яхшиларидан. Шундай бўлса ҳам, бу ота-оналарни фарзандлари таълимига кўпроқ сармоя киритишдан тўхтаб қўя олгани йўқ. Буни педагоглар яхши маънода «таълим иситмаси» дейишади.

Рақобат ва ишчи кучига талаб юқори жамиятда яхши яшашнинг ягона йўли – имкон қадар кўпроқ кўникмаларни эгаллашдир. Айниқса, таътил даври бунинг айна қулай фурсати.

3 ойлик таътил бола ҳаётида ҳал қилувчи палла – келажак ҳисоб сўрайдиган даражада катта давр. 11 йил

давомида «1000 кун»дан унумли фойдаланилса, ота-она ҳам, жамият ҳам истикболда бир ишсизнинг ташвишидан халос бўлади. Ёзни коптоқ тепиб, кўча чанги тиб ўтказадиган бола қимматли ресурсни ҳавога совураётганини ўзи сезмайди.

Бугунги турмуш тарзи, ўрганиш муҳити ва яшаш учун зарур кўникмалар манзараси бошқача. Меҳнат бозорида рақобат кучайиб, иқтисодиёт билимга асосланган соҳалар измига ўтмоқда. Бундай муҳитда муаммога ечим топиш, ижодий-яратувчанлик, мулоқот ва мослашувчанлик кўникмаларини, ўқиш-ёзишдан ташқари, молиявий ва технологик саводхонликни эгаллаган ёшлар муваффақият қозонадилар.

Ёзни янги – анъанавий дарслардан фарқ қилувчи интерфаол машғулотлар-

га сарфлаш – келажак учун энг яхши сармоя. Фарзандингизни қўлидан тутиб, уни ўзингизга яқин тўгаракларга олиб боринг. Мисол учун, бугун кўп жойларда АйТи ва тил ўргатиш марказлари мавжуд. Компьютер саводхонлиги, дастурлаш, робототехника, хорижий тил курслари фарзандингиз истикболи учун манфаатли бўлади.

Кўп кузатаман, қўшимча курслар боладаги фикрлашга ижобий таъсир қилади, дунёқарашини бойитиб касбга йўналтиради, қизиқишлари бир хил бўлган дўстлар ортириб, ижтимоий-мулоқот кўникмаларини муштахкамлайди.

1940-йилларда соғлом овқатланишни тарғиб қилувчи «Сен нима есанг – сен ўшасан», деган шиор оммалашди. Бугун ривожланиш ҳақида ўйлаб, «Биз нимага кўп пул тиксак – биз ўшамиз», деган фикр ҳаёлимга келади.

Корея Республикаси таълим туфайли буқилган қаддини тиклаган, таъ-



лимдан бошқа умид йўқлигини ўтган асрдаёқ англаб етган. Бунинг эвазига у жаҳоннинг энг катта 14-иқтисодиёти саналади. Фарзандларимиз таълимига жанубий корейликлар каби пул тикишга одатланмас эканми, улар эришган иқтисодий барқарорликни орзу қилиш бекор.

Шухрат САТТОРОВ,
журналист.
Ҳаётилла МИРАҲМЕДОВ,
Бўстонлик туманидаги
11-мактабнинг рус тили ва адабиёти
фани ўқитувчиси.

(Боши 1-саҳифада)

Замонлар ўтиши билан улар мамлакат тарихини, мақсад ва эътиқодларини ҳам акс эттирувчи муқаддас рамз сифатида эъзоз топган. Юртимизда вужудга келган илк давлатчилик жаранларида герблар тамға сифатида ҳуқуқ рамзларидан бири бў-

рат, Ватанга садоқат, юртга фидойилик тимсолидир.

Тарихимизда давлат рамзлари Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Жалололдин Мангуберди, Темур Малик каби ватанпарварларни юрт озодлиги учун курашда муқаддас ватан байроғи остида бирлаштирган. Буюк соҳибқирон Амир Темур ўз ҳаёти даво-

гиси сифатида энг кучли, жасур, ботир ва баҳодирларга ҳаё қилинган. Шу ўринда, соҳибқирон салтанатида давлат рамзлари адолат, буюк куч-қудрат рамзи ҳисобланган.

Бугунги кунда давлатимиз рамзларининг давлат идоралари, ўқув юртлари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, хориждаги

Бугун Янги Ўзбекистонни порлаётган куёшга қиёсласак, ундан таралаётган илму зиё нури кўхна заминга меросдир. Давлатимиз герби халқимизнинг иродасини тоблаб, элни эзгулик, улуғ ва буюк мақсадлар сари бирлаштириб халқимизга рухий қувват беради. Зеро, мардлик ва буюклик мартабасини ўзида акс этувчи гербимизга нигоҳ ташлар эканмиз, беихтиёр у ҳар бир ватандошимиз қалбини ғурурга тўлдиради. Шу боис, давлат рамзи сифатида герб буюк келажак ва ёруғ истикболни мужда қилаётгандек ўзида юксак ғурур ва улуғворлик тимсоли сифатида у ватанни чин дилдан севишга, халқимизни ардоқлашга даъват этади. Гербимизда эзгулик, яхшилик, шон-шухрат, садоқат, поклик, халқнинг тарихи ва навқиронлиги акс этган.

Хорижда бўлганимизда давлатимиз рамзларига ғурур ва ифтихор билан нигоҳ ташлар эканмиз, юрагимизда чексиз меҳр уйғониб, руҳиятимиз шод бўлади. Гербимиз тимсолида дунёнинг ҳар қайси нуқтасида ҳам Ўзбекистон деган ҳимоячимиз, суянчиғимиз борлигини ҳис этамиз. Айниқса, бугунги кунда давлат рамзларимизга бўлган ҳурмат ва эътибор кучаяётгани, уларнинг ҳуқуқий асосини, маънавий илдизларини кенг жамоатчиликка тарғиботини даъват этиш том маънода бугунги кун талабига айланмоқда. Агар тарихга назар ташласак, герб – инсоният тарихини ўзида акс эттирадиган бекиёс тимсоли сифатида ўзида юртимизнинг менталитети ва тарихини акс эттириб, қадимдан мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини ҳамда миллий-маданий анъаналарини ўзида мужассамлаштиради.

Ҳозирги тинч ва осойишта даврда давлатимиз герби мустақиллик ва миллийликни ўзида акс эттириб ҳар биримизга қувонч ҳамда фахр бахшида этади. Албатта, мана шундай ширин лаҳзалар ҳар бир Ватандошимизда юртга бўлган чексиз меҳр ва садоқатнинг ёрқин намунасини намоён этади. Зеро, давлат рамзлари она Ватан каби азиз ва муқаддас бўлиб, унда халқ тарихи, бугуни ва келажаги ўз аксини мужассам этади.

Мансур МУСАЕВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази хузуридаги
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти бўлим
бошлиғи, сиёсий фанлари
доктори

УЛУҒВОРЛИК ТИМСОЛИ

либ, дастлаб қадимги уруғларни бир-биридан фарқловчи белгилар вазифасини бажарган бўлса, кейинчалик байроқ, муҳр, пуллар, ёрликлар акс эттирилган.

Мамлакатимизда «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлигининг 32 йиллиги кенг нишонланмоқда. Албатта, бу қутлуғ сана барча юртдошларимизга чексиз қувонч улашмоқда. Давлатимиз рамзи гербимиз дунёдаги энг гўзал ва мафтункор герб сифатида унда Ватанимизни буюк ўтмиш ва шонли тарихи, бугуни ва буюк келажагига бўлган ишонч, орзу ва умидлар мужассам.

Давлатимиз гербига назар ташлар эканмиз, ундаги тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра куёш заррин нурларини сочиб туриши бағримизни қувонтиради. Гербимизнинг юқори қисмида юртимизни бирдамлиги ва жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган: саккиз қирра ичида жойлашган ярим ой ва юлдуз мусулмонларнинг қутлуғ рамзидир. Гербнинг марказида ҳиммат, олижаноблик ва фидойилик тимсоли бўлган афсонавий Хумо куши қанотларини ёзиб турибди. Ушбу рамз ва тимсоллар халқимизнинг тинчлик, яхшилик, бахт-саодат, фаровонлик йўлидаги орзу-умидларини ифодалайди. Гербнинг пастки қисмида республика давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида “Ўзбекистон” деб ёзиб қўйилган. Гербимизда тасвирланган ҳар бир тимсол мазмун – моҳиятига кўра, теран маъно ва ҳикмат мужассам. Викор билан савлат тўкиб турган мағрур тоғлар юртимизни жасо-

мида ғолиблик байроғини юксак кўтарди. Бу байроқ остида буюк эл бирлашди, у барпо этган улуғ салтанат довуғи дунёда дoston бўлди. Бу давр давлатчилигимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланди.

Амир Темур давлатида тамға – бир бирига боғланган уч халқадан иборат тасвирдан иборат бўлган. Бу тасвир тангалар, муҳрларга туширилган. Тамғада уч халқа тасвиридан ташқари “рости-русти” ибораси ҳам ёзилган. Ушбу ибора Оқсарой дарвозасининг пештоқида ҳам бўлган. Унинг мазмуни айрим тадқиқотчилар томонидан “агар адолатли бўлсанг, ҳар бир ишда омад ёр бўлади” деган маънода таърифланган бўлса, бошқалари томонидан “куч – адолатдадир” деган маънода тавсифланади. Ҳар икки талқин ҳам бу ибора давлатни адолатли бошқариш тўғрисида давлат шиори эканлигини намоён этади.

Темурийлар салтанатида герб том маънода мамлакат рамзи, улуғворлик тимсолига айланди. Ўша даврда жангчиларга жанговар руҳ бағишлаш, уларнинг кайфиятини кўтариш, иродасини чиниқтириш мақсадида жанг майдонларида ғоликлик сари даъват этиб, давлатнинг мустаҳкам ва қудратли эканлигини ифода этган. Амир Темур давлатида давлат рамзлари адолат, буюк куч-қудрат рамзи сифатида эъзозланган. Жангу жадалларда юксак мардлик ва жасорат бел-

элчихона ва доимий ваколатхоналаримиз биносида кўрганамизда турли байрам ва тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг ғурурини намоён этиши кўнгилимизда фахр ва ифтихор туйғусини уйғотади.

Жаҳон майдонларида юртдошларимиз улкан ғалабаларга эришиб давлатимиз рамзларини кўкларга кўтарганда, давлатимиз гербини ўпиб, пешонамизга тўтиё этганимизда, давлатимиз мадҳияси янграганда беихтиёр қалбларимиз жунбушга келиб, кўзларимиз севинч ёшларига тўлади. Албатта, жасур Ватан ўғлонлари юксак ғалабалар нашидасини нишонлашда давлат рамзларига фахр билан кўллари кўксига қўйиб таъзим қилдилар. Биз учун давлат рамзлари озодлик тимсоли, миллий ифтихор рамзидир.

Давлатимиз рамзларини Ватан суратларига қиёсласак бўлади. Ўзбекистоннинг куёшли ўлка, буюк тарих, маънавият ва маданият яратган замин эканлиги ушбу юртимиз тимсолларида акс этган. Бугун Янги Ўзбекистон дунё саҳнида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакат сифатида дадил одимламоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ва кенг кўламли ислохотлар юртимизда янги даврни – янги Ўзбекистон даврини бошлаб берди”.



(Боши 1-саҳифада)

Дахшатли томони, буни лавҳа қилган эргумроҳ шу аёлларнинг шармандалигидан бутун бир миллат завқланади, деб ўйлайди... Бундай бедодликларни истаганча топиш мумкин; бўй етган ойимчаларнинг ҳамма жойини кўз-кўз этиши-ю, оғизни ҳаром қиладиган шаллақиликлардан тортиб, бировнинг кўрпа-тўшагига ташқарига олиб чиқиш на эркакка, на аёлга ярашқили иш эмаслигини англаш имконидан ҳам мосуво бўлганга ўхшаймиз. Ақлимизни интернет еб бўлди, дейин десангиз, ахир интернетдан эзгулик йўлида, илм-маърифат йўлида фойдаланиш мумкин эди-ку, нега шу аҳволга тушиб қолдик, деган ўй ич-этингизни кемиради. Агар сизнинг ақл ва дидингиз ювиқсизлик гирдоби ичида қолиб кетмаган бўлса, албатта шундай ўйлайсиз...

Куни кеча тишни даволайдиган клиникада бўлдим. Одам кўп экан, навбатда турдим. Галим келишини кутаяпман. Чарм ўриндикда ўтирган кўйи қўл телефондан кўз узмаётган беш-олти ёшлар чамасидаги қизалокни кузатдим. Мен бир соатдан кўпроқ вақт кутдим, қизалок ҳам телефондан бош кўтармади, онаси тишини кўрсатгани кириб кетгану, қизининг қўлига шу матоҳни бериб, овуниб ўтирсин деган, албатта. Хайрият, она шўрлик оғзини ушлаб чиқиб келди. Қизалокқа кетамиз маъносида қўл узатди, қаёқда, қизалок рўпарасида онаси турганини пайқамади ҳам. Она уни турткилагач, ўзига келди-ё келмади, ўрнидан туриб атрофга аланг-жаланг бўлиб қаради ва ҳардамхаёл ортидан эргашди. Ишонасизми, қизалок қаердалигини, бу ерда нега ўтирганини ҳам унутиб қўйган эди... Ўзимни тутиб туролмадим: “Мен қизингизни бир-икки бор гапга солмоқчи бўлдим, у эътибор қилмади. Тишингизни даволатишдан олдин қизингизнинг кўзини, руҳиятини ҳам даволатинг, у ҳеч нарса-ни, айни дам Сизни ҳам кўрмапти, қаердалигини ҳам унутиб қўйган, у бу дунёда эмас ҳозир...”, – дедим. Аёл менга эҳсонаси чиқиб, олайиб қаради. Ангоридан “Жинни бўлганми, бу одам?”, деган маънони уқдим. Нимадир деб тўнғиллади, лекин унинг гапини бу ерда ёзолмайман. Аёл фақат бир гапни тўғри айтди, сен аввал ўзингни уйингдагиларни тузат... Тан олайлик, деяри ҳаммамизнинг уйимизда шу аҳвол, болаларимиз, невараларимиз ўзимизга қўшилиб телефонни еб – ютишмоқда.

Яқинда ижтимоий тармоқларда Европанинг қайсидир бир шаҳрида тирбанд автобусда китоб ўқиётган болақайнинг суврати берилди. Қалб кўзи очик одамлар учун, бутун дунёда Яхшилик, Эзгулик, Одамийлик ва Ҳайрат тимсолида намоён бўлди у. Ҳа, биз шу аҳволга келдик;

китоб ўқиётган болақайни кўрсак, ҳайратланамиз... Аслида бу ҳам фожедир, шундай эмасми?

Баъзида менга ўзингиз ҳам ҳикоя, у – бу нарсаларингизни шу телефон орқали жойлайсиз-ку, қўл телефон бўлмаса, интернет бўлмаса, биз Сизнинг ёзганларингизни ўқимасдик-ку, деган иззагап қилишмоқчи бўладилар. Мен асарларимни китоб ҳолида ҳам чиқаришим мумкин, фақат телефонга термулган омма дунёда адабиёт, яхшилик ва эзгулик деган нарсалар ҳам борлигини билиб турсин, ҳеч бўлмаса, кимдир ўқийди-ку, деган фикрда интернетга нарса жойлайман. Аминманки, бугун ижтимоий тармоқларга кимдир ўқиса, ўқимаса-да, қалб ҳарорати сезилиб турган адабий асарлар, шеър ва мақолалар, таржималар жойлаётган зиёлиларимизда ҳам шундай фикр бор.

Нимадир қилиш керак-ку, китобсизлик касалига йўлиққан жамиятда ўзига шон-шухрат топиш илинжида эмас, балки, шу одамлар адабиёт ва абадиятдан баҳраманд бўлсин, руҳий тиниқликни йўқотиб қўймасин, деган мақсадда минбар топган адибу шоир, таржимон ва

таъзим қиламан. Моддий жиҳатдан зўрға нафас олаётган бўлса-да, давр зарбасидан ўзини баъзур ўнглаб, қалтанглаб-салтанглаб оёқда тик турган нашриётларимиз, бу муҳитда ўзини ортикчадай сезиб, қимтиниб-симтиниб турган, қай бир эшиклар олтидан обунаси абгор ҳолда бош эгиб қайтаётган нашрларимиз, уларнинг муҳарриру мухбирлари олтида бош эгаман. Илтимос, йиқилманглар, сизлар таслим бўлсангиз, кўп нарса қўлдан кетади. Ҳа, кўп нарса...

Китоблар ҳеч қачон ҳеч кимга юк бўлмайди. Чунки, китобларда дунёнинг юки, дунёнинг моҳияти бор. Улар бугун дунёни кутқариб қолиши мумкин. “Дунёни болаларга берайлик, ҳеч бўлмаса бир кунгина болаларга берайлик...”, деган ақида билан улғайган катта авлод вакиллари эндиликда, бу тағдор тушунчанинг моҳияти ўзгарганини ҳам сезиб турибмиз. Майли, дунёни болаларга бермайлик, фақат қўлимиздан келадиган иш, болаларимизнинг қўлидан телефонни олиб қўйлик, шунинг ўзи етади. Бунинг учун ўзимиз қўлимизга китоб олишимиз керак, албатта...

Яна бир гап; таълим тизимининг тепасида турганлар ўйлаб кўришар, эҳтимол, бола-лар нашр-

ларини текин қилиш керакдир, ҳеч бўлмаганда, ҳар бир синфга биттадан ўқувчиларнинг газет-журнали кириб борса, муаллим шу нашрлардаги шеър ва ҳикоялар, мақолалар юзасидан ҳам уйга топшириқлар берса, балки болаларимизда китоб ўқиш кўникмаса шаклланармиди... Ахир ўша нашрларда миллат мафкураси, кадрятларимиз, Давлат сиёсати моҳияти болаларбоп тилда акс эттирилади-ку. Ҳар ҳолда бола бу дунёда шундай ўқийдиган нарсалар ҳам борлигини, дунё фақат телефондан иборат эмаслигини англаридами, дейман-да. Яна бир орзу, илтимос, кулманг, Ўзбекистонда бир кунни КИТОБ КУНИ деб белгилаш керакмикан. Ўша куни ТВ, Радио, барча сайтлар эрталабдан китоб ҳақида гапирса, ота-оналар, бобо-момолар ўша куни уйга фарзандлар ҳамда набиралар учун китоб кўтариб келса, майли, бозортўрва ё дўконхалтамызда сабзи-пиёз билан бирга бир донагина болалар учун китоб бўлса, ҳеч ким уйга қурук қўл билан кирмаса, фарзандлар учун китоб олиб келса, муаллимми, дўхтирми, амалдорми, ҳокимми ё вазирми, хуллас, Президент айтгандан кейингина ўқиган мактабига китоб совға қилганларнинг (эсингиздами) бари – бари-нинг қўлида ҳеч бўлмаса ўша кун биттагина китоб бўлса, телевизор тўхтовсиз гапирса, радио гапирса, сайтлар бонг урса, хуллас, китоб совға қилиш кунини муқаддас бир байрамдай ўтказсак... Қизиқ, мен нималар деяпман- а! Хаёл суришининг ёмон томони йўқ-ку...

Китоблар бизга дунёни кутқариб қолишни ўргатади. Кимдан ё нимадан? Албатта, инсондан, дунёни инсондан кутқариб қолиш, яъни инсонларга инсон бўлиб яшашни ўргатади. Бизга бошқа нима керак? Сиз дунёни кутқаришга уринманг, ўзингизни ўзингиздан, яъни, Инсонни Инсондан кутқаришни ўрганинг, шунинг ўзи етади. Шундагина Сиз дунёни кутқарасиз. Ҳатто ўша тиш дўхтири хузуридаги қизалокни ҳам, уйингиздаги жужуқларни, ўзингизни ҳам кутқариб қоласиз. Нимадан дейсизми? Ахлоқсизлик, фахш, ёвузлик, очкўзлик, ҳасад, хиёнат, соткинлик, жамики урушлардан... Дунё жойида турибди, лекин, бугун Инсон ўз жойи — инсонийликни тополмапти.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

ЎЗИНГИЗНИ ҚУТҚАРИНГ

журналистлар, олимларимизга таъзим қиламан. Худога шукр, озми кўпми булар оммани нурга юзлантиришга уринмоқдалар ва бунга умид қилмоқдалар...

Бу ўринда барча адабий – маънавий сайтлар, маърифий тармоқларга ташаккур айтаман. Ўзим кўриб – билиб, ўқиб бораётган замондош зиёлиларимизнинг хайрли ишлари гарчанд жаҳолат бўронига қарши қўлда шамчи-роқ кўтариб чиққан дарвешни эслатса-да, унинг нури зулумотни ёритишига ишонман, агар ишонмасам, бу дунёда эзулик деган тушунчанинг “э” ҳарфи ҳам қолмайди-ку, бундай дунёда яшашнинг нима маъноси бор?!

Ҳамон китоб нашри йўлида тер тўқаётган, бири икки бўлиши даргумон ноширларимизга



Ушбу мақола Олий Мажлис хузуридаги Нодавлат ноτιжорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг «Тарихингдир минг асрлар» грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



Анъанавий маҳорат сабоқлари

Ўқувчи-ёшларнинг санъатга бўлган қизиқишини, эстетик, интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Бундан қутилган асосий мақсад эса ёшларнинг юксак маданиятини, мусиқа ва санъатга бўлган эътиборини тубдан яхшилашдан иборат. Бу борада мамлакатимизда мусиқа ва санъатга, айниқса, эстрада санъатини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлиги бор гап. Биргина юртимиз бўйлаб Ботир Зокиров хотирасини абадийлаштириш йўлида қилинган саъй-ҳаракатлар барчамизнинг қалбимизни гурур ва ифтихорга тўлдирди.

Ана шу жиҳатдан олиб қараганда Олмалик шаҳридаги 8-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида олиб борилаётган ибратли ишлар, устоз ва шогирдларнинг профессионал маҳоратини ошириш йўлида қилинаётган хайрли ташаббуслар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу борада жамоамиз халқаро миқёсдаги концерт ва танловларда ҳам муносиб иштирок этишди. Ўтган йили пойтахтимизнинг халқаро форумлар саройида япониялик санъат усталари иштирокида бўлиб ўтган концерт дастурида жа-

моамиз аъзоларидан С.Саломонова, А.Абсалюмова, Л.Сим, Л.Улуғмуродова ва Р.Ивановалар қатнашиб улар санъатидан бахраманд бўлишди. Бундан ташқари россиялик ҳамкасбларимиздан ҳам ўзига хос маҳорат сабоқларини олганликлари диққатга сазовор. Худди шунингдек, ўтган йили Россия Федерациясидан ташриф буюрган “Северный русский хор” жамоасининг шаҳримиздаги Металлурглр маданият саройида ўтказган концерт дастури таассуротларга бой бўлди. Мактабимиз раҳбариятининг ташаббуси билан ташкил этилган ушбу концерт дастури устозлар ва ўқувчиларимиз учун ўзига хос “Мастер-класс” вазифасини ўтади.

Жорий йил бошида эса Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Тошкент вилояти Маданият бошқармаси томонидан ўтказилган “Торли чолғулар ҳафталиги” доирасида маҳорат сабоқлари ташкил қилинди. Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Анвар Раимжонов ҳамда халқаро танловлар лауреати, Ўзбекистон давлат консерваторияси ўқитувчиси Тохир Усмонов иштирок этиб торли чолғу асбобларида ўзига хос маҳорат сабоқларини улашдилар.

Эътиборлиси, жамоамиз аъзоларининг Шахрисабзда қўлган киритган ютуқлари бўлди. “Янги юлдузлар”

номли Республика мусиқий ва ижодий кўрик-танловида мактабимиз ўқувчилари ғолиб бўлишди. Дамли чолғулар йўналиши бўйича Отабек Мўминов шогирдларидан Сервер Гургур ва Алексей Варавинлар фахрли биринчи ўринни эгаллашди. Жорий йилнинг май ойида Тошкент вилояти Маданият бошқармаси тасарруфидаги бизнинг мактабимизда тасвирий ва амалий санъат ҳафталиги доирасида Тошкент вилояти Бадиий ижодкорлар уюшмаси

раиси, таникли рассом-куллол Ашурмуҳаммад Мамасолиев иштирокида ўтказилган илмий-ижодий семинар ҳам жамоамиз учун жуда фойдали бўлди. Мактабимизнинг Хореография синфи ўқувчилари “Zo’r” TV телеканалининг “Эрталабдан салом” дастурида жонли иштирок этиб, ўзларининг рақс санъатини намойиш этдилар. Бунда хореография ўқитувчиси Хайринисо Марасулованинг хиссаси катта.

Яна бир эътиборли ишларимиздан бири Металлург маданият саройида ташиқил қилинган “Қалбларда куёш” номли ижодий асарлар кўргазмаси бўлди. Ушбу кўргазма “Устоз-шогирд” ананаси асосида ташкил этилиб устоз Зухриддин Исламшиқов ва унинг шогирдлари ёш рассомлари Светлана Труханова ҳамда Полина Юнларнинг 40 дан ортиқ ранг-тасвир асарлари намойиш этилди. Ушбу кўргазма шаҳримиз санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотди.

Хуллас, ўқувчи-ёшларимизнинг бадиий маҳоратини, юксак дид ва қобилиятини шакллантиришда ўтказилаётган бундай тадбирлар катта аҳамият касб этмоқда.

Равшан НИЁЗОВ,
Олмалик шаҳридаги 8-сонли
Болалар мусиқа ва санъат мактаби
директори.



ЖАМИЯТ

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, аτροφмуҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-610
Адади: 1015.
Пайшанба кунни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Маълумот учун телефонлар:
99-791-43-23
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:
jamiyat@mail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6



ЖАЗИРАМАНИ ЖИЛОВЛАНГ

Дезодорант ўрнига антиперспирантдан фойдаланиш

Бу икки воситани адаштириб юбормаслик лозим. Мутахассислар яхши антиперспирант танлаш нафақат қулайлик, балки соғлиқ гарови эканлигини таъкидлайди. Дезодорант нохуш ҳидни бартараф этади холос, антиперспирант эса ортиқча намлик миқдорини камайтиришга ёрдам беради.

Сифатли дезодорант нейтралланган алюминий тузларини ўз ичига олиши керак. Антиперспирантлар таркибида бўлса камроқ хлорид кислотаси мавжуд ва ҳатто тез-тез қўлланса ҳам терига шикаст етказмайди. Воситани тоза ва қуруқ терига, ташқарига чиқишдан камида 5 соат аввал, энг яхшиси, ухлашдан аввал ишлатиш самарали бўлади.

Тўғри овқатланиш

Айнан таомларни тўғри танлаб истеъмол қилиш ҳам терлашга бевосита ўз таъсирини кўрсатади. Ўз таомномангизга мевалар, пишлоқ, творог, кўк чой ва табиий йогуртларни қўшишга ҳаракат қилинг. Кофеинни ўз ичига олган ичимликлар, аччиқ ва қайноқ

овқат, спиртли ичимликлар кўп тери ажралиши ва бадбўй хидга сабаб бўлади.

Қулай кийим ва пойабзал танлаш

Мутахассислар терлашни камайтириш учун табиий теридан ишлаб чиқарилган ёки юзаси текстилдан бўлган пойабзал кийишни тавсия қилади. Кийим-кечак ҳам табиий ва ҳаво ўтказадиган матолардан иборат бўлиши керак.

Сув ичиш

Кўпчилик ортиқча терламаслик учун сув ичмасликни афзал билади. Аммо етарлича суюқлик ичиш, аксинча, камроқ терлашга ёрдам беради. Мутахассисларнинг фикрига кўра, кунига камида бир ярим литр сув ичиш керак.

Зарарли одатлардан воз кечиш

Шифокорлар кўп терлашнинг сабабларидан бири сифатида чекишни ҳам таъкидлайди. Чунки никотин юрак уришини тезлаштиради, бу эса тана ҳароратининг кўтарилишига ва терлашнинг кучайишига олиб келади.

Терлаш табиий физиологик жараён бўлиб, организм шу тарзда тананинг қизиқ кетиши билан курашади. Терлашдан аввал бош миёдаги терморегуляция маркази тана ҳароратининг ошганини аниқлайди, сўнг тер безларини очиш буйруғини юборади. Шундай қилиб танадаги буғланган намлик терининг юзасига етиб боради ва натижада терлаш орқали тана ҳарорати пасаяди.

Тери орқали зарарли токсинлар ҳам чиқиб кетади, шунинг учун терлаш нормал ва мутлақо табиий жараёндир. Аммо баъзан ортиқча терлаш кундалик ҳаётда сезиларли ноқулайлик туғдиради. Унинг олдини олиш учун қуйидаги оддий ва самарали маслаҳатларга амал қилишни тавсия этамиз.

ЧИН УСТОЗ ИБРАТИ

Одатда устоз, деганда кўз олдимишга илк дафъа қўлимизга қалам тутқазиб, илм отлиг оламига олиб кирган ўқитувчи сиймоси гавдаланади. Аммо, умрингиз давомида шундай инсонлар ҳам учрайдики, уларнинг сизга айтган бир оғиз каломи шуурингиз тубига қадар етиб бориб, ҳаётингизни бутунлай бошқа ўзанга буриб юборади...

Айтишларича, инсонга қўйилган исм кейинчалик унинг сийратига ҳам ўз таъсирини ўтказар экан. Мен бу гапга ишонаман. Чунки ҳаётим давомида бунга кўп бор гувоҳ бўлганман. Жумладан, Оқилжон Обидов ана шундай инсонлардан бири. Билсангиз, “Оқил” сўзи арабча – ақлли, фаросатли, бамаъни маъноларини англатади.

Бу инсон билан биринчи марта 1993 йилнинг апрель ойида Қашқадарё вилоятининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармасига ташрифи чоғида танишганман. Ўшанда мен бошқарма бошлиғининг ўринбосари лавозимида иш бошлаган эдим. Бу одамдаги теран мулоҳазакорлик, ўзига ишонч, адолатлилик ва фидойилик мени лол қолдирганди. Умрини эл-юрт корига бағишлаб, садоқат билан хизмат қилган Оқилжон Обидов дастлаб, Республика Вазирлар Маҳкамасининг умумиктисодиёт бўлимида фаолият юритган. 1993 йилнинг март ойига келиб, салоҳиятли, ҳаракатчан бу кадр ҳукумат қарори билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинланиб, вазир ваколати билан иш бошлади.

1996-1997 йилларда Меҳнат вазирлиги Демография бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимида фаолият олиб бораётган пайтларим эди. О.Обидовнинг маслаҳати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида таҳсил олдим. 1997 йилга келиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташкилий кадрлар масаласи бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати консультанти лавозимида ишга қабул қилиндим. Ёшлиқ ғуруримни ёки у кишининг эътиборига аввалроқ тушганим сабабми, билмадим, О.Обидов ҳузурига чакирганда ўз-ў-

зимча, мени табриклаб, мақтайди, елкамга қоқиб, бирга ишлаймиз дейди, дея ўйлангандим. Аммо, у кишининг биринчи гапи: “Бу ерда ишлаётганимда ҳар бир гапингни ўйлаб гапир. Чунки сенинг айтган бир оғиз сўзинг ҳам кимнингдир фаолиятига таъсир қилиши мумкин”, деди. Республикадаги кадрлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи органда ишлашимни инобатга олсак, бу жуда тўғри айтилган гап эди.

Қолаверса, О.Обидовнинг эътиборимни тортган яна бир жиҳат-

ҳал этилиши лозим бўлган топшириқ келиб тушган. Ушбу топшириқни ижобий ҳал қилиш вазифаси бошқарма ҳуқуқшуносига юкланган. Бироқ, О.Обидов бундан хабар топгач, “... бу юрист ҳал қиладиган масала эмас, бу вазифани раҳбарият ҳал қилиши керак. Бу ишни Бахтиёр сен бориб ҳал қиласан...”, дея мени юборганди.

Шунингдек, Оқилжон ака ҳар гал Қашқадарё вилоятига келганида, аҳолининг, оилаларнинг ижтимоий аҳволи таҳлилини талаб қилар эди. Шу боис, у кишининг келишига бир қанча оилаларнинг даромадларини таҳлил қилиб, намойиш ўтказар эдик. Бир гал ана шундай таҳлилий тақдимотдан сўнг, “ўзингни аҳволинг қандай”, деб сўраб қолдилар.

У киши раҳбар қандай бўлиши кераклигини гапириб эмас, амалда кўрсатиб намуна бўларди. Ҳатто, шундай феъл-атвори бор эдики, ҳеч қайси ходимида имкониятидан ортиқ иш юклармасди.

ти, у мамлакат миқёсидаги раҳбар бўлишига қарамай, соҳага оид масалаларда туман даражасидаги раҳбар-ҳодимлар фикрини ҳам тинглар, кези келса қўллаб-қувватлар ҳам эди. Қолаверса, ҳеч қачон бирор ходимни шахсиятига текканига гувоҳ бўлмаганман. Ҳозирги баъзи раҳбарлар эса ўз ходимларини турли ҳайвонларга менгзайди. Хоҳласа, кесак кўтартириб, хоҳласа сувга солади.

У киши раҳбар қандай бўлиши кераклигини гапириб эмас, амалда кўрсатиб намуна бўларди. Ҳатто, шундай феъл-атвори бор эдики, ҳеч қайси ходимида имкониятидан ортиқ иш юклармасди. Ёдимда, Қашқадарё вилояти меҳнат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлар эдим. Бир куни Президент девони орқали зудлик билан

Мен ҳам ўйлаб ўтирмай: “Шароитим яхши, Дехқонободдан отам ҳар ярим ойда гўшт, ёғ ва ун юбориб турибди”, – дедим мағрур бир қиёфада қойил қилдим дегандек. У киши: “энг ёмони сенда экан-ку! Ханузгача отанг оилангни таъминлаб турган бўлса”, – дедилар. Бу дашномдан сўнг юзим дув қизариб, ер чизиб қолдим.

Нафсиларни айтганда, меҳнат фаолиятим давомида бир қанча раҳбарлар билан ишлаш насиб қилди. Қайд этишим жоизки, баъзи раҳбарлар долзарб масалаларда ўтказиладиган йиғишларда ҳам ўтмишларини сўзлаб, ўзларидан қаҳрамон ясаб ўтирар, бу эса йиғилиш иштирокчиларини хийла ғашига ҳам тегади. Аммо қойил қолганим кенг камровли йиғилиш бўладими ёки кичкинагина давра суҳбати бўлади-

ми О.Обидов бирор марта ўзининг ҳаётини ёки фаолиятини мисол келтирган эмас.

Мамлакатимиз эндигина муस्ताқил бўлган, ўз ривожланиш йўлига ўтаётган даврда камтарин ва ўз ишининг устаси О.Обидовнинг ишсизликни камайтириш, ночор аҳволдаги Саховат ва Мурувват уйлари ҳамда бошқа тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги хайрли ташаббуслари бугунги раҳбарлар учун ҳам андоза бўлса арзийди. Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири лавозимида ишлаган иқтисодчи олим Оқилжон Обидов пенсияга чиқиб ҳам уйига камалиб олишни ўзига эп кўрмади. Устоз 80 ёшни қаршилаётган айни пайтда ҳам биз шогирдларига, бу борада ўрнатқан бўлмоқда.

Устоз О.Обидов ўзида кексалик билан курашда жасорат топа олган кам сонли кишилардан бири. У ҳозирда Паркент туманидан 30 гектар ер олиб, шунинг 6 гектарида ёнғок, 10 гектарида узум, 14 гектарида сархил мевалар етиштириб, халқимиз дастурхонига тортиқ қилиб келмоқда. Ўзи эса йигитлардек соғлом.

Ҳаётимни таҳлил қилиб, ортга назар ташлар эканман, бир хулосага келаман: Яратгандан омадимни бер, деб сўраш, аслида, яхши инсонларга йўлиқтир деганидир. Зеро, омад кўз илғайдиган нарса эмас, лоп этиб қаршингиздан чиқиб қолса. Аммо, бир инсоннинг тўғри маслаҳати ёки насиҳати кўп эзгуликларга дебоча бўлиши мумкин. Айнан мана шуни “омад” деса арзийди. Устоз мисли ёниб турган шамга қиёс. Ўзи ёниб, атрофга нуру зиё сочади. Бошқалар ана шу нурдан баҳраманд бўлади. Шу сабаб, ҳар бир инсон ёшидан, мавқеидан, даражасидан қатъи назар, сабоқ берган устоз-мураббийи олдида мудом таъзимда. Биз эришадиган улкан ютуқларимиз, қўлга киритаётган ғалабаларимизда уларнинг ҳиссаси катта. Шу сабаб, уларни мудом шарафлагимиз, ардоқлагимиз келади.

Бахтиёр АБДУРАҲМОНОВ